

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 92 (348), 2021 йил 7 май, жума



ПРЕЗИДЕНТ: ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШ БЎЙИЧА КЕЛАЖАК УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛАДИГАН ЯНГИ ТИЗИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВАҚТИ-СОАТИ КЕЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 май куни чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда ҳар йили илм-фаннинг бир нечта йўналиши танлаб олиниб, алоҳида эътибор билан ривожлантирилмоқда. Бу йил физика ва чет тиллари ана шундай устувор соҳалар этиб белгиланган.

Ўзбекистоннинг очилкич сиёсати, дунё бозорига фаол кириб бораётгани, барча соҳаларда халқаро ҳамкорлик кенгайтириш хорижий тилларни билишга эҳтиёжни оширмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги 25 та олий таълим муассасасида ўқитиш чет тилида олиб борилаётган. 2016 йилда улар атиги 7 та эди. Халқаро тил сертификатини олган битирувчи ўқувчилар сони охириги 3 йилда 10 бараварга ошган.

Жорий йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 350 нафар талабанинг нуфузли хорижий университетларда ўқиши учун стипендиялар ажратилди. Бу ўтган йилларга нисбатан 5 баравар кўпдир.

Лекин жойлардаги аҳоли мақсад қилинган катта режаларга мос эмас. Хусусан, таълим тизимида 2 миңдан ортиқ чет тили ўқитувчиси лавозими вакант бўлиб қолмоқда. 1 миң 400 та мактабда чет тилини ўқитиш сифати мутлақо қониқарсиз. Бу тизимдаги ўқитувчиларнинг атиги 4 фоизи миллий ва халқаро тил сертификатига эга. Хонобод ва Қувасой шаҳарлари, Зафаробод, Миришкор, Тўртқўл, Шеробод ва Узун туманларида бундай сертификатли бирорта ўқитувчи йўқ. Мактаблардаги чет тили ўқитувчиларининг 49 фоизи тестдан ўта олмаган.

Йиғилишда тизимдаги муаммолар атрофида таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгиланди.

— Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камидан 2 та чет тилини мукамал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ташкил этилиши маълум қилинди.

Бу Агентлик дунёда самарали натижа берган ўқитиш методикалари, дастур ва дарсликларини таълим тизимида жорий этиб, хорижий тилларни мукамал ўзлаштиришга кўмаклашади. Таълим муассасалари, тармоқлар ва худудларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, камидан 10 та чет тилини ўргатишни ташкиллаштирилади.

Шунингдек, вазирлик, идора ва бошқа иш бевуричлар билан бирга, хизматчиларнинг касбий фаолиятини хорижий тилларда тулик амалга ошириш имкониятини берадиган методикаларни ишлаб чиқиш, шароитга мослаган ҳолда, амалиётга жорий этилади.

Давлат тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан давлат тилига профессионал таржима қилиш методикаларини

яратиш ҳам унинг асосий вазифаларидан бири бўлади.

Агентлик хорижий тилларни билиш рейтингини ҳам юритида. Чет тили ўқитувчилари учун малака талаблари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ҳамда малака тоифаларини беради.

Бир сўз билан айтганда, Агентлик “боғча — мактаб — олий таълим — корхона” занжири орқали, аҳолининг барча қатламга мос бўлган методика, тавсия ва дарсликларини ишлаб чиқади ҳамда жорий этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ва Тошкент давлат шарқшунослик университетлари, Самарқанд чет тиллари институти билан бир қаторда, ҳар бир вилоятда биттадан университет чет тиллари бўйича таянч муассаса сифатида белгиланади.

Давлатимиз раҳбари ўқитувчиларга муносиб шароит яратиш, малакасига қараб уларни рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади. Халқаро сертификатнинг дастлабки ва ўрта даражасини олган ўқитувчиларнинг ойлик маошига 40 фоиз, юқори натижа кўрсатганлари 50 фоиз устам берилиши белгиланди.

Бундан ташқари, юқори балл олган ўқитувчиларга халқаро сертификат олиш учун тест топшириш харажатлари қоплаб берилади. Келгуси йилдан бошлаб, ишга қабул қилинаётган чет тили ўқитувчиларига миллий ва халқаро сертификатга эга бўлиш талаби киритилди.

Кейинги уч йил давомида мактаблардаги 53 миң нафар чет тили ўқитувчиларининг барчаси халқаро сертификат олиши зарурлиги таъкидланди. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, мактаблардаги вакант ўринларни малакали мутахассислар билан тўлдирishi вазифаси қўйилди.

Чет тилларини чуқур ўргатиш мақсадида туман ва шаҳарларда 207 та мактаб танлаб олинди. Ушбу мактабларда хорижий китоблар, илғор ўқув дастурлари ва методикаларидан эркин фойдаланиш ҳамда фанларини чет тилида ўқитиш йўлга қўйилди.

Вилоят ҳокимликларига мактабларда чет тилини ўқитиш сифатини ошириш учун маҳаллий бюджетдан ҳар бир туман ва шаҳарга 1 миллиард сўмдан маблағ ажратишга кўрсатма берилди.

Ихтисослашган мактаблар ва олий ўқув юртига тил эгаси бўлган хорижлик ўқитувчиларни жалб қилиш, ҳар бир туманда танлов ўтказиб, чет тили ўқитувчиларини хорижда малака оширишини йўлга қўйиш муҳимлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари чет тиллари бўйича энг яхши мактабларни аниқлаш учун Президент совринини таъсис этиш таклифини билдирди.

Бунда туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасида танлов ўтказилади. Туман ва шаҳар босқичида 1-ўринни олган мактаблар 100 миллион сўмдан, вилоят босқичида ғолиблари 250 миллион сўмдан, мамлакатимиз миқёсидаги энг яхши мактаб эса 500 миллион сўм миқдорда мукофотланади.

Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ҳам мос равишда рағбатлантирилади. Ушбу мактабларнинг директор ва ўқитувчилари давлат мукофотларига тавсия этилади.

Ўқитиш сифати халқаро андозаларга мос дарслик ва методик қўлланмаларга ҳам боғлиқ. Шу боис, инглиз тили бўйича Кэмбриж университети нашриёти дарсликларини 200 та мактабда апробациядан ўтказиб, кейинги йилдан барча мактабларда татбиқ этиш вазифаси қўйилди. Бундай ишлар рус, немис, корейс, хитой ва француз тиллари бўйича ҳам ташкил этилади.

Соҳадаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб боришлари, янги адабиёт ва қўлланмалар сотиб олишлари учун ҳар бир чет тили ўқитувчисига бюджетдан 1 миллион сўмдан маблағ ажратилиши белгиланди.

Мактабга таълим вазирлигига ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 7 ёшгача бўлган болаларга чет тилларини ўқитиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиб, жорий этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда олий таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда олийгоҳлардаги 78 фоиз профессор-ўқитувчиларнинг чет тилини билиш даражаси қониқарсиз аҳолида экани кўрсатиб ўтилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб, чет тиллари бўйича қабул квоталари сони 2 баравар кўпайтирилиб, 16 миңгага етказилиши, давлат гранти эса 3 бараварга оширилиши таъкидланди.

Шу билан бирга, келгуси йилдан бошлаб, магистратура ва докторантурага кирувчилар учун чет тили бўйича халқаро сертификатга эга бўлиш талаби киритилади. Олий ўқув юртида мутахассислик фанларини хорижий тилларда ўқитиш босқичма-босқич жорий этилади. Табиий ва техник фанлар бўйича хорижий дарслик ва қўлланмалардан эркин фойдаланиш йўлга қўйилади.

Чет тилини ўқитишнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали хорижий докторантурада таълим олиш учун йилга 20 та ўрин ажратилади.

Британия кенгаши, Гёте институти, Француз альянси, KOICA, JICA, Конфуций институти каби хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, нодавлат ўқув марказларини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ҳар бир вазирлик, идора, давлат компаниялари ва йирик хусусий корхоналарда тил ўрганишини қўллаб-қувватлаш, ҳафтанинг бир кунини белгилаб, хорижий тилларни ўрганиш учун шароит яратиш зарурлиги таъкидланди.

Тил ўргатувчи видеодарслар, фильм ва кўрсатувлар яратиш, электрон дастурлар ишлаб чиқиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида мутасадди раҳбарлар ва ўқитувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЭКСПЕРИМЕНТ ТАРИҚАСИДА МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли даромадини оширишга қаратилган тадбиркорлик интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизmlарини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга кўмаклашиш, “маҳаллабай” ишлаш тизимини орқали маҳаллий бошқарув органларини аҳолига янада яқинлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни самарали ҳал этишининг Самарқанд тажрибасини амалиётга жорий этиш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш

агентлигининг 2021 йил 1 июндан бошлаб Самарқанд вилояти туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасида қуйидагиларни назарда тутувчи “маҳаллабай” ишлаш тизимини эксперимент тариқасида ўтказиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

туман (шаҳар) ҳокимлиги таъсисчилигида Маҳаллабай ишлаш марказларини (кейинги ўринларда — Марказлар) давлат муассасаси шаклида ташкил этиш. Бунда Марказларнинг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан мувофиқлаштириб борилади;

туман (шаҳар)лардаги ҳар учта маҳаллага биттадан маҳаллабай ишлаш инспекторларини бириктириш;

маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томоққа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари лавозими негизда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг тадбиркорлик ва томоққа масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш;

ҳокимнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг тадбиркорлик ва томоққа масалалари бўйича ўринбосарининг ўзаро узвий ҳамкорликда ишлашини таъминлаш.

2. Белгилансин: Марказлар фаолияти Пастдарғом, Ургут ва Булунгур туманларида жорий йил 1 июндан бошлаб ҳамда Самарқанд вилоятининг қолган туман (шаҳар)ларида 1 августга қадар ташкил этилади;

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ



Амрилло ИНОЯТОВ, Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари



Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, уни жаҳон талаблари даражасига қўтариш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Айниқса, сўнгги йилларда Президентимиз томонидан соҳага қаратилган эътибор бу борадаги ишларни янги босқичга қўтариш баробарида, аҳолининг тиббий хизматдан рози бўлишида муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг кунги кеча имзоланган “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш

ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги фармони замирида ҳам эл салоҳиятини мустаҳкамлаш йўлида эзгу саяё-ҳаракатларни янги босқичда давом эттириш мақсади мужассасам.

Давоми 2-бетда

ҚИЁСИЙ РАҚАМЛАР

ЎЗБЕКИСТОНДА СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МИҚДОРИ

2010 йилда	6169,0 тонна
2020 йилда	11009,9 тонна

Манба: Давлат статистика қўмитаси

Янги Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини туздан ошириш — ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг муҳим омили

Нусратбек ТОЙЧИЕВ, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ўринбосари

Қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини туздан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 20 апрелда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни ҳам тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштиришга қаратилган.

Мазкур қонунни ишлаб чиқиш бўйича топшириқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонларида назарда тутилган.

Ушбу фармонларда қонун ҳужжатларини қабул қилиш асоси ва тартибга солиш предмети аниқ белгилаш, бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишини чеклаш, вазирлик ва идоралар томонидан тайёрланган қонун лойиҳаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун талабларига мослиги, нормаларни амалга ошириш механизmlарига эга экани нуктаи назардан баҳолаш мажбуриятини Адлия вазирлигига юклаш, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини келишиш тартибини такомиллаштириш, тўғридан-тўғри амалга ошириш механизmlарига эга бўлмаган қонун лойиҳаларини

қиритишни тақиқлаш каби масалаларни “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунда назарда тутиш белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун дастлаб 2000 йил 14 декабрда, кейинчалик 2012 йил 24 декабрда янги тахрирда қабул қилинган эди. 2000 йилги қонун 33 моддадан, 2012 йилги 44 та ҳамда 2021 йилдаги қонун 60 моддадан иборатлиги ҳам ушбу ҳуқуқий ҳужжат ҳажман ва мазмунан такомиллашиб, кенгайиб борганидан яқол даломатлидир.

Салкам ўн йилдан сўнг ушбу қонуннинг янгида қабул қилинишига сўнгги йилларда норма ижодкорлиги соҳасида амалга оширилган жиддий ислохотлар натижасида авалгисининг бугунги кун талабларига жавоб бермай қолгани сабаб бўлди, дейиш мумкин. Мамлакатимизда ўтган қисқа давр ичида норма ижодкорлиги бўйича мутлақо янги концепция ҳаётга татбиқ этилди. Ўз навбатида, ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётда ечимини қутаётган бир қатор жиддий муаммолар сақланиб қолаётган эди. Ушбу барча ҳолатлар “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг янгида қабул қилиниши учун замин ҳозирлади.

Давоми 3-бетда